Джуракулова Малика Вафокуловна
Самарқанд Давлат ветеринария медицинаси,
чорвачилик ва биотехнологиялар университети
Иқтисодиёт факультети 2- курс талабаси
Email: malika.djurakulova@bk.ru

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИНГ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш иккита зарурий таркибий қисмдан: бир томондан, моддий ресурслар (хом ашё, асбоб-ускуналар ва ҳ.к.)дан ва иккинчи томондан, инсон ресурсларидан, яъни касб малакалари ва билимларига эга бўлган ходимлардан иборат. Бошқачароқ қилиб айтганда, мамлакат аҳолисининг бир қисми бўлган инсон ресурслари моддий ресурслар билан бир қаторда иқтисодий ривожланиш омили сифатида ҳам намоён бўлади. Бироқ, бу омиллар ўз хусусиятларига қараб, бир-биридан муҳим белгилари билан фарқланаши ёритилган.

Калит сўзлар: Меҳнат, меҳнат ресурслари, инсон ресурслари, ишчи кучи, ишга лаёқатли шахслар, меҳнат салоҳияти, меҳнат ресурслари тавсифи.


Annotation: In this article, the production of material goods and the provision of services consist of two necessary components: on the one hand, material resources (raw materials, equipment, etc.) and, on the other hand, human resources, that is, employees with professional skills and knowledge. In other words, the human resources that make up the country's population, along with material resources, act as a factor of economic development. In this article, the production of material goods and the provision of services consist of two necessary components: on the one hand.

Keywords: Characteristics of labor, labor resources, human resources, labor force, able-bodied persons, labor potential, labor resources.

Туғилиш ва ўлим натижасида аҳолининг узлуксиз янгиланиш жараёни давом этади ва у аҳолини такрор ишлаб чиқариш деб номланади. Бу жараён эса икки тушунча билан, яъни аҳолининг табиий қўшимча ўсиши ва авлодлар алмашуви билан боғлиқдир. У ёки бу аҳоли динамикасини ўрганишнинг энг оддий усули - бу унинг йиллик қўшимча ўсишини аниқлашдан иборат. Йиллик қўшимча ўсиш коэффициенти - бу мазкур йил давомида (яъни икки кетма-кет 1 январь орасида) аҳолининг ўртача арифметик қўшимча ўсишидир.

Меҳнат ресурслари фақат моддий неъматлар яратибгина қолмай, неъматларни истеъмол ҳам қиладилар. Одамлар ўзларининг моддий ва маънавий

эҳтиёжлари жиҳатидан бир хил эмаслар. Бунга уларнинг жинси, ёши, соғлиғи, оилавий аҳволи, маълумот даражаси ва бошқа ижтимоий, психо-физиологик сифатлари сабаб бўлади. Шунинг учун бири иккинчисига ўхшамайди.(1-чизма)



1- чизма. Меҳнат ресурслари тавсифи

Меҳнат соҳасида одамларнинг муҳим эҳтиёжлари амалга ошади, лекин ҳамма эҳтиёжлари ҳам рўёбга чиқавермайди. Шу боисдан инсон меҳнатидан самарали фойдаланиш учун унинг шахс сифатидаги талабларини ҳам эсда тутиш муҳимдир. Бошқача айтганда, иқтисодиётнинг муваффақиятли ривожланиши шуни тақозо қиладики, мураккаб хўжалик механизмининг амал қилиши инсон ресурсларининг сифат даражаси билан белгиланади.

Мамлакатимиз иқтисодиётида чуқур таркибий ўзгаришларни таъминлаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, бой табиий, минерал-хом ашё ва қишлоқ хўжалик ресурсларидан, меҳнат ва интеллектуал салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиб, харидорбоп, рақобатбардошли маҳсулот ишлаб чиқариш, дунёда муносиб ўрин эгаллаш, шунинг ҳисобидан сиёсий ва иқтисодий мустақиллигимизни таъминлайдиган тизимни вужудга келтириш бугунги кунда бизнинг муҳим вазифамиз. Ҳар бир инсон ўзи танлаган бирор фаолият соҳасида ишлай олиши учун муайян жисмоний ва маънавий ривожланиш даражасига эга бўлиши керак. Жисмоний ривожланиш даражаси бир томонда, иқтисодиётнинг эҳтиёжлари билан, иккинчидан, жамиятнинг ўз фуқаролари

соғлиғини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашдан манфаатдорлиги билан белгиланади, чунки фуқоролар кишилик жамиятининг энг муҳим бойликларидан бири ҳисобланади. Маънавий ривожланиш даражаси деганда, умумтаълим ва касбий билимлар ҳамда кўникмалар, шахсий хусусиятлар тушунилади. Бу хусусиятлар уларнинг танлаган фаолият соҳасида муваффақиятли ишлаши учун зарур шарт ҳисобланади. Меҳнат ресурсларининг ҳар иккала сифати – жисмоний ва маънавий ривожланиши, тасаввурларининг аҳамияти иқтисодиёт ривожланиб боришига қараб ўзгариб боради. Бу ҳол, ўз навбатида, меҳнат соҳасидаги мавжуд жаҳон тамойилини тўлиқ акс эттиради, иқтисодиётда ва умуман, жамиятда тез ва чуқур ўзгаришлар бўлиб турган даврда, кишилардаги жисмоний ва маънавий фазилатларнинг роли, айниқса, ортади.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар инсоннинг ташаббускор ва фаол бўлишини назарда тутади. Унинг қандай яшаши ўзининг янги иқтисодий тизимга сингиб, у билан ҳамоҳанг бўлиб кетиш маҳоратига боғлиқ. Инсоннинг жисмоний имкониятлари, маълумотлилик даражаси, тажрибаси қанчалик юқори, у маънавий жиҳатдан қанчалик етук бўлса, бу жараён шунчалик муваффақиятлироқ кечади. Ташаббускорлик ва тадбиркорликни ривожлантириш, одамларда мулкка эгалик ҳиссиётини тарбиялаш, кичик корхоналарни изчил ривожлантириш аҳоли фаровонлиги ва даромадларининг ортишида, ишсизлик муаммосини ечишда салмоқли манба вазифасини бажармоқда.

Ҳозирги замон ва яқин келажак ҳусусияти иқтисодиёт учун зарур ва асосий ишлаб чиқарувчи куч бўлган меҳнат ресурсларининг шахсий ва ижтимоий сифатларига боғлиқдир. Бу тенденция турли шаклларни олмоқда. Аввалам бор, назария ва амалиётга у ёки бу шаклдаги билим, малака кўникма, тажриба, шахсий сифатлар каби кўрсаткичлар кирмоқда, ҳамда сифат ва сон жиҳатдан кенгайтирилган холда иқтисодий баҳоланмоқда. Йирик ишлаб чиқариш, хўжалик ва ижтимоий тизимларни бошқаришнинг мураккаблиги, хато ва янглишиш ҳавфи, техник, табиий ва ижтимоий жараёнлар назоратининг издан чиқиши мумкинлиги каби омиллар касбий талаблар таркибида шахсий қизиқишларнинг ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга боғлиқлигини тушунишни биринчи ўринга қўймоқда.

Жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражаси билан белгиланувчи инсон омили, ўз навбатида, уни ривожлантириш ва тараққий эттиришда ҳал қилувчи асос ҳисобланади.

Жамиятнинг меҳнат салоҳиятини кучайтириш, ундан самарали фойдаланиш муаммолари иқтисодий ислоҳотлар даврида бирмунча мураккаблашади ва уларнинг ечимини топиш иқтисодчи олимлар олдида турган энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Бунга техникани янгилаш ва бошқарувни ўзгартириш билан эришиб бўлмайди. Бундай шароитда, аввало, иқтисодиётнинг таркибий тизими тубдан ўзгариши, жумладан, замонавий техника ва технологиялардан кенг фойдаланиш, миллий иқтисодиётнинг ривожланиши инсон ресурслари сифат жиҳатидан яхшиланишини объектив тарзда тақозо этади.

Меҳнат ресурслари ижтимоий меҳнатнинг юқори самарасини таъминлайдиган, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг оптимал имкониятини ифодалайдиган, меҳнат фаолиятига мувофиқ келадиган шароитлар бирлигидир. Меҳнат ресурслари меҳнат қобилиятларининг жамини (уларнинг миқдор ва сифат жиҳатдан муносабатларини), яъни алоҳида ишчининг ва жами ишчи кучининг меҳнат фаолиятида қатнашиш имкониятларини ифодалайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Dahmen E. Entrepreneurial Activity and the Development of Swedish Industry, 1919-1939. - Stockholm, 1950; Mattsson L.G. Management of Strategic Change in a «Markets-as-Networks» Perspective. In the Management of Strategic Change/ Ed. by Fndrew M. Pettigrew. - Oxford, N. Y., 1987.

2. Feldman V.P., Audretsch D.B. Innovation in Cities: Science based Diversity, Specialization and Localized Competition-European Economic Review. - 1999. - № 43. - P. 409-429.

3. Б.О.Дусматов “Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида агросаноат ишлаб чиқаришида инновацион инфратузилмани ривожлантириш” мавзусидаги диссертация ишида 120 бет 2021 й.